

1905–1907 йиллардаги сайлов конунларининг чеклангани, шунингдек, марказий ва ҳудудий маъмурларнинг сайлов кампанияларини бошқариш жараёнига бевосита аралашуви шунга олиб келдики, Русия Давлат думасининг инкилобдан олдинги тарихида парламентга жами 79 мусулмон депутати, шундан 25 депутат 1-чакирик Думасига, 37 депутат – иккинчисига, ўн депутат – учинчисига, етти депутат эса тўртинчи чакирик Думасига сайланган эди. Айрим депутатларнинг икки ва ундан кўпроқ марта сайлангани ҳисобга олинса, мамлакат мусулмон аҳолисининг парламентдаги манфаатларини алоҳида уюшма (фраксия) га уюшган 67 шахс ҳимоя қилган эди. 1907 йилги сайлов конунларининг камситувчи ҳолатига кўра, 1897 йилги аҳоли рўйхати билан солиштирганда айрим мусулмон ўлкаларининг Думадаги ваколати аҳоли сонига мос келмасди. Масалан, тўрттала чакирик Думасида Волга-Урал минтақасидан 40 нафар, Туркистон ва Калмикия ўлкасидан 16, Кофкоз ва Қиримдан 23 депутат сайланган эди. Ваҳоланки, ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида Русия империяси таркибига мусулмонлар яшайдиган улкан ҳудудлар: татарлар ва бошқирдлар макон тутган Волга-Урал, ўзбеклар, козоклар, туркманлар ва тожиклар яшайдиган Ўрта Осиё ва Қозогистон, қирим татарлари ва кўп сонли тоғлилар ҳамда озарлар юрти Қирим ва Кофкоз қирган эди. 1897 йилги Бутунрусия аҳоли рўйхати натижаларига кўра, Бухоро ва Хива хонлигини ҳисобламаганда Русия империясида 13,9 миллион мусулмон яшарди. Буларнинг 3,5 миллиони Россиянинг Оврупа қисмида, 7 миллионга яқини Ўрта Осиёда, уч миллиондан ортиқроғи Кофкозда ва 122 мингги Сибирда эди. Ҳоизга айлантирганда мусулмон аҳоли Оврупа қисмида яшайдиганларнинг 3, 8 Ҳоизини, Ўрта Осиёда 90, 2 Ҳоизини, Кофкозда 34,5, Сибирда 2, 2 Ҳоизини ташкил қиларди. Давлат Думасига депутат сайлашда ана шу омилларнинг эътиборга олинмагани Россия жамоатчилигининг норозилиғи ва қаршилиғига сабаб бўлди. Ўрта осийлик мусулмонлар ваколатини Думада тиклаш талаби ўша пайтдаги мусулмонлар сиёсий платформасининг энг кўп учрайдиган бандларидан эди.

Дилора Усмонова,
Қозон Давлат университети дотсенти, тарих фанлари доктори.
(«Биринчи Бутунрусия мусулмон форуми материаллари тўплами»дан).